

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ  
ВАЗИРЛИГИ**

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ,**

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ ЖИЗЗАХ  
ВИЛОЯТ БЎЛИМИ,**

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ “ФАЛСАФА, ТАРБИЯ  
ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ,**

**ЖИЗЗАХ СУВ ОҚОВА ДУК**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ  
БОШҚАРМАСИ**

---

**“Сув ва ундан оқилна фойдаланиш:  
муаммо ва ечимлар”**

Республика илмий-амалий конференцияси

**ТЕЗИС ВА МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**  
**18 август 2022 йил**

Тошкент –2022

“FAN ZIYOSI” нашриёти

**КВК 44.28(5Узб)**

**UO'S: 043.28.415**

**“Сув ва ундан оқилона фойдаланиш: муаммо ва ечимлар”.**

Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами  
– Тошкент: “Fan ziyosi” нашриёти, 2022 й, 248 бет.

*Тўпلام Жиззах вилоят ҳудудий инновацион ривожланиш бошқармаси  
томонидан 2022 йил 18 август 2-сонли ИТК йиғилиши қарори билан чоп  
этишига тавсия қилинган*

**Масъул муҳаррирлар:**

А.Амонлаев – фалсафа фанлари номзоди, доцент

И.Аҳмедов - фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Таҳрир хайъати:**

С.Кистаубоев – фалсафа фанлари номзоди, доцент

М.Эргашева – социология фанлари бўйича (PhD), доцент

Х.Ашурматов - фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Рўзиев - фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Тўраев – сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Такризчилар:**

Т.Аҳмедов - тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.Хусанова - Республика Маънавият ва маърифат маркази

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий ходими

*Тўпلامда жой олган мақола ва тезисларда келтирилган маълумотлар-  
нинг тўғрилигига муаллифлар жавобгардирлар*

ISBN 978-9943-747-54-8

© « Fan ziyosi » нашриёти, 2022

5. Реиндерс Ф. Б. Мисро-ирригатион: ворлд овервиюу он тешнологй анд утилизатион // Кейноте адресс ат тхе опенинг оф тхе 7тх Интернационал Мисро-Ирригатион Сонгресс ин Куала Лумпур, Малайсиа, 2006.

6. Сув ва ҳаёт-Х.Н.Мусаев Н.Х. Улугмуродов З.Б.Турсунов2.

7. Сев ресурслари ва сувдан тежамли фойдаланиш- Бараев Ф.А Серикбаев Б.С Базаргов Р.Х Ғуломов С.Б Ўринбоев С.Н

8. Сув таъминоти ва канализация тизимлари ишини ташкил етиш ва улардан фойдаланиш-К.А Якубов А.Б.Мирзаев.

9. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)

## **ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚА АҲОЛИСИНИ ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМИ**

*Тошкент тиббиёт академияси,  
т.ф.н., доцент Шерқўзиева Г.Ф.*

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш билан боғлиқ ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжуд.

Ҳозирги даврда сув таъминотини эколого-гигиеник баҳолаш, сув сифатини доимий меъёрда сақлаш мамалакатимиздаги долзарб муаммолардан бири саналади. Шу билан бирга Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омили бири сув бўлиб қолмоқда. Орол денгизининг суви чорак аср мобайнида 15 мартадан зиёдга камайиб, сув сатхи 29 метрга пасайган, ҳудудда 5.5 миллион гектар тузли кум майдони ҳосил бўлган, оқибатда атроф – мухит, одамлар ҳаёти ва ҳайвонот оламига мислсиз зиён этмоқда.

Марказий Осиё сув ресурсларининг йиллик ҳажми тақрибан 116 км<sup>3</sup> ни ташкил этади. Сув ресурсларининг 80 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади, деярли 7 – 8 фоизидан эса саноатда, қолган қисмидан эса рўзғорда, хизмат кўрсатиш соҳасида ва бошқа мақсадларда фойдаланилади. Минтақада сувдан тежамай-тергамай

фойдаланишнинг экологик оқибатлари нималарга олиб келаётгани яхши маълум.

Бундан ташқари, ерлар ва сув ресурсларининг шўрланиши ва инқирозга юз тутиши минтақадаги мамлакатлар иқтисодиёти барқарорлигига таҳдид солаётган доимий муаммо бўлиб қолди. Кутилаётган иқлим ўзгариши билан боғлиқ тарзда минтақа сувнинг кескин етишмаслиги муаммосига дуч келиши ва бу сувдан ҳозирги кундаги фойдаланишнинг 8–10 фоизини ташкил этиши мумкин. Минтақада аҳолининг сув билан таъминланганлик даражаси йилига мавжуд 2500 м<sup>2</sup> дан 1400 м<sup>2</sup> га қисқаради. Ер аҳолиси 3 каррага кўпайган даврда чучук сувдан фойдаланиш ҳажми **17 мартага** ортган. Устига-устак, баъзи башоратларга кўра, 20 йилдан кейин чучук сувга бўлган талаб ҳажми яна 3 каррага ортиши мумкин.

Чучук сув етишмовчилиги муаммоси Ўзбекистонга ҳам бегона эмас. Сув танқислиги муаммоси бўлган мамлакатлар рўйхатида Ўзбекистон **25-ўринни** эгаллайди Сўнгги **10 йилда** Ўзбекистонда сув захиралари **12 фоизга**, жорий йилда ўтган йилги билан солиштирганда 15 фоизга камайган[1,2]. Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантиришга доир муҳим дастур ва лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилиши шаҳар ва туманлар, жумладан қишлоқ жойларда марказлаштирилган сув таъминоти ҳолатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда.

Республикамизда бу борада бир қанча қонуний меъёрлар мавжуд: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида” Қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш” тўғрисидаги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, ЎзДавСТ 950:2011 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сувнинг сифатини назорат қилиш”, ЎзДСТ 951:2011 “Марказлаштирилган ичимлик-хўжалаик сув таъминоти манбалари. Гигиеник техник талаблар ва танлаш қондаси”,

ҚМҚ 2.04.02-97 “Сув таъминоти. Ташқи тармоқ ва иншоотлар”. Сув таъминоти билан боғлиқ аҳоли касалликларида биринчи ўринда юқумли ва паразитар касалликлар биринчи ўринда туради. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари дунёдаги барча касалликларнинг 80 фоизи ифлосланган сув орқали юқишини аниқладилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг берган маълумотларига кўра ер юзидаги аҳолининг 3 млрд.га яқини сифатсиз ичимлик сувидан фойдаланади. Бунинг натижасида аҳоли ўртасида юқумли ва ноюқумли касалликлар тарқалмоқда. Айниқса юқумли касалликлардан қорин тифи, вабо, гепатит А, колиэнтерит, айрим ҳолларда эса сил касалликлари, ринит, иситма, эхинококкоз ва бошқалар тарқалиши мумкин. Шу сабабли аҳоли истемол қиладиган ичимлик сувига гигиеник талаблар қўйилади, яъни эпидемиологик жиҳатдан ҳафвсиз, кимёвий таркиби буйича зарарсиз ва оргонолептик жиҳатдан инсон сезги органларига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак[3].

Юқоридагилардан келиб чиқиб биз минтақа аҳолисининг 2017-2018 йиллар давомида ичимлик сувининг санитар – кимёвий жиҳатдан гигиеник талабларга қай даражада жавоб бераётганлигини ретроспектив таҳлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик:

2017 йилда сув таъминоти маънбасидан умумий намуналар сони 107 та бўлиб, улардан 90 таси яъни 84,1% гигиеник меъёрларга мос келмаган, худди шундай таҳлилларкоммунал хўжалик водопроводлардан ҳам олинган бўлиб 162 та намунадан 51 таси, идоравий водопроводдан олинган намуналарнинг умумий сони эса 371 та бўлиб, улардан 2 таси гигиеник талабларга жавоб бермаган.

2018 йилда сув таъминоти маънбасидан умумий намуналар сони 94 та бўлиб, улардан 75 таси яъни 79, 7% гигиеник меъёрларга мос келмаган, худди шундай таҳлилларкоммунал хўжалик водопроводлардан ҳам олинган бўлиб 157 та намунадан 32 таси (20,3%), идоравий водопроводдан олинган намуналарнинг умумий сони эса 458 та бўлиб, улардан 71(15,5%) таси қудуқ сувидан эса 180 тадан 179таси (99,4%) гигиеник талабларга жавоб бермаган.

2017 йили сульфатларга водопровод сувидан 640 та намуналар олинган бўлиб, улардан 86 таси (13,4%), 2018 йилда эса 709 та намуналар олинган бўлиб, улардан 63таси (8,8%), 2019 йилда эса 983

та намуналар олинган бўлиб, улардан 67таси(6,8%)гигиеник талабларга жавоб бермаган. Олинган натижалар тахлили шуни кўрсатадики аҳоли ўртасида ичимлик сувига боғлиқ касалланишни олдини олишда сувнинг сифатини доимий равишда назорат қилиб туриш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Сув ва ҳаёт-Х.Н.Мусаев Н.Х. Улугмуродов З.Б.Турсунов2.
2. Сев ресурслари ва сувдан тежамли фойдаланиш- Бараев Ф.А Серикбаев Б.С Базаргов Р.Х Ғуломов С.Б Ўринбоев С.Н
3. Сув таъминоти ва канализация тизимлари ишини ташкил етиш ва улардан фойдаланиш-К.А Якубов А.Б.Мирзаев.
4. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)

## **ЭКОЛОГИК ҚАДРИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРГА ТАҚОЗОЛАНГАН ҚОНУНИЯТЛАР.**

*Саодатов Алимардон Абдурахмонович  
тадқиқотчи*

Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти навқирон ёш авлоднинг нечоғлиқ экологик қадриятларга садоқат руҳида тарбия топишига ҳар жиҳатдан ҳам боғлиқдир. Чунки экологик онг ва тафаккур юксак бўлмаган жойда тараққиётга ва такомилга эришиб бўлмайди. Шу боис, бу борадаги замонавий инновацион ғоя, қарашлар, усул ва воситалар таяниш, мавжудларини мукаммалиги ва ҳаётийлигини ошириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Экология-экология учун эмас, балки инсон учундир. Табиат инсонсиз ҳам яшаши мумкин, аммо инсон табиатсиз, унинг бебаҳо неъматларисиз бир лаҳза ҳам яшай олмайди. Экологик саводхонлик бўлмаган жойда, экологик муаммоларни бартараф қилиб бўлмайди. Шу боисдан, ёшларни экологик саводхонлик руҳида тарбиялаш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб, бунда экоинновацион усул ва воситаларни,

42	Д.М.Норматов. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.	185-190
43	Н.Мадусманова, Инамова И, Ж.Раззоқов. Сув ва ундан оқилона фойдаланиш: муаммо ва ечимлар.....	191-195
44	Н.Шукурова. Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш босқичлари.	195-199
45	Б.Маматқулов. Сувдан оқилона фойдаланиш ва глобал экологик муаммоларини ечиш.....	199-203
46	J.Sh. Elmurotov, Z.Kuchkorova The importance of environmental and innovative activities in the construction industry.....	203-207
47	М.Маматалиева. Сувдан оқилона фойдаланишда сув тежамкор суғориш технологияларини қўллаш.....	207-213
48	Г.Шерқўзиева. Оролбўйи минтақа аҳолисини ичимлик суви муаммолари ва ечими.....	213-216-
49	А.Саодатов. Экологик кадриятларни ривожлантиришнинг инновацион усул ва воситаларга тақозоланган қонуниятлар.....	216-227
50	С.Кистаубоев. А.Амонлаев. Ёшлар экологик дунёқарашини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	227-233
51	С.Кистаубоев. А.Амонлаев. Шахс экологик маданиятининг шаклланиши ва унга таъсир этувчи омиллар.....	233-239
52	М. Ahmedova. Maktabgacha yoshdagi bolalarni maktabga tayyorlashda ekologik tarbiyaning o`rni.....	240-243